



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган E-mail: Info@xs.uz 2008 йил 20 июнь, № 121 (4531) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш, ёнги хавфсизлигини таъминлашга қўриб бўлган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида ҳар томонлама барқамол этиб тарбиялаш, илмий тадқиқот соҳасида эришяётган ютуқлари ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси”

Сираджитдинов Али Бурханович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби кафедраси бошлиғи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор”

Усманов Миржалил Хамитович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнги хавфсизлиги олий техник мактаби илмий текшириш маркази бошлиғи

Мамлакатимиз ёнги хавфсизлиги тизимини жаҳон андозлари асосида ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнига илгор педагогик технологияларни жорий этиш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўлими

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Марғилон ўтган йили ўзининг қутлуғ 2000 йиллик тўйини нишонлади. Байрамга тайёргарлик жараёнида шаҳарда жуда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, бир қатор янги корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди.

Изланиш

Бу азим шаҳар ҳунармандлари азал-азалдан сержило атласи, адраслари билан дунёга танилган. Мухими, ҳозирда ҳам бу эзгу аяна давом этаяпти. “Марғилон бахмали” хусусий ишлаб чиқариш корхонасида салкам юз нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Сиз суратда кўриб турган Муаззам Турдиева шулардан бири. У ҳалол меҳнати ва изланувчанлиги туйғули касбдошлари орасида ҳурмат қозongan.

Жамоа аҳли жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмолчиларга 75 миллион сўмлик 5 хил рангдаги бахмал газламасини етказиб берди. Устувор режада бу кўрсаткични янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтириш кўзда тутилган.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ЭЗГУ АНЪАНАЛАРГА ЭҲТИРОМ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси олдидан

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилди. Аслида бу Қонуннинг қабул қилинишига мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асос бўлиб хизмат қилди.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш амалдаги қонунларнинг нормаларини бир хиллаштиришдан, уларни халқаро андозларга яқинлаштиришдан, шунингдек, ҳоржий молия бозорларига интеграциялаштириш учун зарур шароитларни яратиш йўли билан мамлакатимиз қимматли қоғозлар бозори жадал ва жўшқин ривожланишини таъминлашдан иборат, — дейди Абдурашид Султонович. — Бу Қонун тўққиз боб ва олтимиш тўрт моддадан иборат.

«Умумий қоидалар» деб номланган 1-боб учта моддадан ташкил топган. Унда акциялар, облигациялар, фазна мажбуриятлари, депозит сертификати, қимматли қоғозларнинг ҳосиллари ва векселлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга ушбу Қонуннинг амал қилиш доираси белгиланган. Бундан ташқари, «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддада «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллаш билан қўриқ битта тушунчанинг мазмуни очиб берилмоқда.

Ҳўш, янги Қонунни қабул қилишдан мақсад нима? У мамлакатимиз иқтисодийни юксалтиришга қандай ҳисса қўшади? Айни пайтда шу йўналишдаги муносабатларни тартибга солишда бу Қонуннинг ўрни қандай бўлади?

Мухбиримиз ана шу саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоси Абдурашид АЛТИЕВГА мурожаат қилди.

«Қимматли қоғозларни чиқариш» деб номланган 2-бобдан тўққизта модда жой олган. Бу бобда қимматли қоғозларнинг чиқарилиш шакли белгиланмоқда: улар ҳужжатли (банк ва саноат) ва ҳужжатсиз (депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида) бўлиши мумкин.

Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш тартиби ва унинг мазмунига қўйиладиган умумий талаблар 5-моддада муҳасам топган. Бундан ташқари, Қонунда облигациялар чиқариш ҳақидаги, давлат корхонаси очик акциядорлик жамиятига айланганда акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни расмийлаштириш хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. 6-модда эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини расмадга солмоқда. Хусусан, ушбу модда эмитентнинг арizasига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш мuddатини, бундай қоғозларни чиқариш ҳақидаги қарорни расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон — Литва: ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 19 июнь кунини Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Литва ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, ёқилги-энергетика, банк-молия, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш материаллари, металлургия, саноат, мебола-созлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор ва-зирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ўринбосари, комиссия ҳамраисси А. Камолов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил сентябрь ойида Литва Республикасига расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқинга кўтариш имкониятларини очиб берди.

Литва Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплай соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. Мазкур комиссия мажлисининг мунтазам ўтказиш келишувини ўзаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканидан далолатдор. 2007 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 72,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Президентимизнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, касаначиларнинг ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида муҳим омил бўлмоқда.

КАСАНАЧИЛАР МИННАТДОР

Қорақалпоғистонда мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида кўплай касаначилик ўрни яратилди. Уларнинг аксарияти йирик саноат корхоналари, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларига тўғри келади. Биргина «Қорақалпоқ электр тармоқлари» очик ҳиссадорлик жамияти ўтган қисқа мuddат ичида ушбу Фармонга асосан 30 нафарга яқин касаначилик ўрнини яратди. Улар томонидан ўтган йилда 2989,6 минг сўмлик иш бажарилди. Касаначиларнинг даромади ҳам шунга яраша бўлмоқда. Қолаверса, уларнинг ишлаган вақти иш стажига ўтиб, пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинланмоқда. Бундан эса, касаначилар гоят миннатдор бўлаётди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жиззахда гимнастика саройи

Жиззахдаги Ёшлар шаҳарчасида гимнастика саройи қурилиш фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозир бу ерда бадий гимнастика ва шахматшашка тўғрақлари фаолият кўрсата бошлади. Мажмуа қурилишига 103 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси эса 9,5 миллион сўмлик спорт анжомлари совға қилди.

Мажмуада шаҳарда яшовчи хотин-қизлар учун спортнинг нафис ва гузал турларидан ҳисобланган бадий гимнастика билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги Корхона

Бир ойда икки минг квадрат метргача мрамар тайёрлайдиган ушбу корхонада йигирма киши иш билан таъминланди. Ҳозиргача воҳага шу турдаги қурилиш материаллари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан келтирилди эди. Янги корхонанинг ишга туширилиши билан қурувчиларни ўз вақтида арзон ва сифатли мрамар билан таъминлаш имкони яратилди.

Маҳсулотларимизга касб-ҳунар коллежлари ва

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.

САРИШТАЛИ УЙ — ФАРИШТАЛИ УЙ



2008 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда кўп қаватли 288 та уйни капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

«Сариштали уй — фариштали уй» деганларидек, ана шу муҳим тадбирнинг рўйбга чиқарилиши натижасида кўп квартиралли тураржойлар янги қиёфа касб этиб, уларда яшовчи аҳоли учун барча шарт-шароитлар яратилди.

(Давоми 2-бетда).

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

(Давом. Боши 1-бетда).

— Конунинг 7-моддасида эмиссиявий қимматли қозғалар рўйхатидан давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари белгиланган. Бу асослар нималардан иборат? — Бундай асослар жумласига, хусусан, тақдим этилган ҳужжатларнинг ва улардаги маълумотларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги, эмитентнинг эмиссиявий қимматли

но жойлаштириш уларни хусусий йўсинда жойлаштириш ва оммавий жойлаштириш турларига бўлинад. Шу билан бирга қимматли қозғаларни жойлаштиришнинг ҳар бир тури учун қимматли қозғалар чиқарилишининг энг кам ва энг кўп ҳажми белгилаб қўйилади. Қимматли қозғаларнинг муомаласида бўлиши, 15-моддада белгиланганда, қимматли қозғалар бозорига юридик ва жисмоний шахслар томонидан ёзма шаклда битимлар тузиш орқали амалга оширилади.

даги профессионал фаолият инвестиция воситачиси (брокер, дилер), инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция фонди, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи, депозитарий, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, трансфер-агент, қимматли қозғаларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси сифатида амалга оширилиши мумкин. Айни вақтда, қонунда инвестиция фонди, трансфер-агент учун қимматли қозғалар бозорига профессионал фаолиятни амалга оширишда чекловлар белгиланмоқда. Қонуннинг

дек, махфий ахборотни ошқор қилиш тартибни белгилайдиган ўрта модала муҳажасам бўлган 6-боб «Қимматли қозғалар бозорига ахборотни ошқор қилиш» деб номланган. Ошқор ахборот уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳамда ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа ахборотни тақдим этиш йўли билан ошқор этилади. Алоҳида моддаларда қимматли қозғалар бозорига ахборотни ошқор қилиш тартиби, шу жумладан, ахборотнинг эмитент томонидан, қимматли қозғалар бозори профессионал иштирокчиси,

рини бузганлик учун жазо чоралари ҳам белгиланганми? — Ҳа, белгиланган. Жумладан, Қонуннинг 55 ва 56-моддаларида қимматли қозғалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қимматли қозғалар бозорининг иштирокчиларига нисбатан иқтисодий жазо чораларининг қўлланилиши баён этилади, яъни унинг микдорлари ва тартиби белгиланган. Иқтисодий жазо чоралари қўлланиш суд томонидан, қимматли қозғалар бозорининг иштирокчилари содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқдор бўлган ва жазо чоралари суммасини иқтидорий равишда тўлайдиган ҳолларда эса қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлар билан қимматли қозғаларнинг 20 фоизидан ортиқ микдорда қўлланилган иқтисодий жазо чораларини ўндириш унга ундириладиган суммани ўндириш тўғрисида қарор қабул қилинганда қонунда эътибор олти ой мобайнида ойма-ой, тенг микдорда бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мазкур Қонунда эмитент ва қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинган, эмиссиявий қимматли қозғаларни чиқариш билан боғлиқ қарорларни ҳақиқий эмас, деб топиш, эмиссиявий қимматли қозғаларнинг чиқарилишини, эмиссиявий қимматли қозғаларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун даъво мuddати ҳам белгилаб берилмоқда. Қонуннинг алоҳида моддасида ўз кучини йўқотган деб топиладиган қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, шунингдек, қонунларнинг айрим қисмлари рўйхати берилган. Улар орасида, жумладан, ҳозирги кунда қимматли қозғалар бозори соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турган «Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қозғалар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Қимматли қозғалар бозорига депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қозғалар бозорига инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари бор.

Эсиргап БОЛИЕВ суҳбатлашди.

ҚИММАТЛИ ҚОЗҒАЛЛАР БОЗОРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

қили қозғалар чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш тартибига риоя этилмаганлиги, эмиссиявий қимматли қозғаларни чиқаришга қаршилик қилиш ҳақида уларни чиқариш ҳуқуқи йўқлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган йиғимларнинг тўланмаганлиги қиради. Қонунда, шунингдек, эмиссиявий қимматли қозғаларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда мазкур чиқарилишдаги эмиссиявий қимматли қозғалар номинал қиймати 0,01 фоизи микдорда, қимматли қозғаларнинг қиймати 0,01 фоизи микдорда, қимматли қозғаларнинг қиймати 0,01 фоизи микдорда бўлиши белгиланмоқда. 8-моддада эса эмиссиявий қимматли қозғаларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун йиғим олинмайдиган ҳоллар ҳам назарда тутилмоқда.

— Бу битимлар давлат рўйхатидан ўтказилди? — Давлат рўйхатидан, албатта, ўтказилди керак. Қонунда ташкил этилган бозорларда олин-сотди битимларини тузиш пайтида улар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш мuddатлари қимматли қозғалар савдоси ташкилотчиси қондалари билан, бошқа ҳолларда эса олин-сотди шартномалари билан белгиланиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Белгиланган мuddатлар бузилган тақдирда, битим ҳақиқий эмас, деб топилади. 16-моддада мувофиқ, фонд биржаси, шунингдек, қимматли қозғалар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржа, қимматли қозғаларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси, шунингдек, қимматли қозғаларнинг мулкдори ёки қимматли қозғаларга бўлган мулк ҳуқуқ эгаси қимматли қозғалар савдосининг ташкилотчиси бўлади.

21-28-моддаларида қимматли қозғалар бозори профессионал иштирокчилари фаолиятининг хусусиятлари очиб берилди. Ушбу бобда қимматли қозғалар бозоридagi операцияларни ва битимларни ҳисобга олиш тўғрисидаги ҳамда қимматли қозғалар бозори профессионал иштирокчиси билан унинг микозлари ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги қондалар ҳам баён этилган.

қимматли қозғалар савдосининг ташкилотчиси, қимматли қозғалар эгаси, инвестор, қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан ошқор этилиши тартиби белгилаб қўйилмоқда.

— Қонунда «бозордаги профессионал фаолият» деган ибора бор. Бу нимани аъналади?

— Қонундаги ошқор ахборот, махфий ахборот деган тушунчаларга изоҳ берсангиз.

— Ошқор-ошқора ахборотни, шунинг-

(Давом. Боши 1-бетда).

Юртимизда ҳоржий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қўлай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни қўллаб-даватлар қатори Литва ишбилармонлари

Ўзбекистон — Литва: ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

нинг ҳам мамлакатимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора кучайтирмоқда. Ўзбекистонда Литва сармояси иштирокида йиғирмадан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатаётган. Улар тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, поёб-зел, машинасозлик, электротехника соҳаси каби соҳаларда иш юритади.

Ўзбекистондан Литвага пластмасса ва пластмасса буюмлар, нефть кимёси махсулотлари, механик ускуналар, пахта толаси, қора металллар, мевасабзавот каби махсулотлар экспорт қилинади. Литвадан Ўзбекистонга транспорт воситалари, сут, шакар ва қандолат махсулотлари, кимёвий таъсил, резина, мебелсозлик махсулотлари импорт қилинади.

— Литвада Ўзбекистон билан барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш катта, — деди Литва Республикаси транспорт ва коммуникациялар вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Чеслоvas Шкинялис. — Келгусида маъжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда икки томон учун ҳам манfaatли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустақамлаш тарафдоримиз.

Мажлисида мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларини, транспорт ва транспорт коммуникациялари ҳамда савбухлик соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, қўшма корхоналар сони ва узаро товар айирбошлаш ҳажминини кўпайтириш, биргалликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.


Ирода УМАРОВА, Ўзад мухбири.

ДЕҲҚОНЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарининг гамхўрлиги тўғрисида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тупроқ унумдорлигини оширишда Қўйи Сирдарё ИТХБ қошидаги Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу жамоа томонидан 67 та насос ўрнатилиб, қўллаб-насос станциялари ва трансформаторлари таъмирлаш, йиғиш ишлари бажарилиди. Натижада пайкалларда обихаёт узлуксиз оқиб турибди. Жумладан, 385 та фермер ҳўжалиги билан тузилган шартномага кўра, уларнинг 15 минг гектар экин майдонига секундига 15 метр куб сув чиқариб берилмоқда.

СУРАТДА: бошқарма бўлими бошлиғи Абдували Билалов ва ишчи Баҳром Алматов.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, охириги пайтларда сарқолаши жараёни нафақат Оролбўйида, балки Уст-Юрт текислиги, Қорақум Қизилқум қўлларида, Тянь-Шань ва Помир тоғлари пойндаги ҳудудларда ҳам кузатишмоқда. Шу боис икким ўзгариб, табиий мутаносиблик бузилмоқда. Ўзда ўта жазирамали, қишда қорсиз ва изгирилми қунлар аввалгига нисбатан икки-уч хафта кўпга чўзилмоқда.

Орол: ИСТИҚБОЛЛИ ЕЧИМЛАР, ШИЖОАТЛИ ОДИМЛАР

2. «Саксий терин» олшмудаги яшил олам

Бунга Орол фожиаси асоратлари ҳам қаттигина «хисса» қўшмоқда. Сабоби — денгизнинг қурган тўли ҳазор 4,2 миллион гектари ташкил этади. Ундан ҳар йили хаважа кум ва тузлардан, мустахил тузум даврида қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш илмининг беармон ишлатилган турли-туман кимёвий унитлар ва захиротилар қолдиқларидан иборат 15 миллион тоннадан тортиб 75 миллион тоннагача микдорда гўбор кўтарилади. Тўрт фасл томайида ўртача уч ой денгиз томонидан сувчи қули шамол уларни узок-узокларга учириб кетади. Оғули чагиронлари қўлнинг эни 40, узунлиги 400 километрлик масофани қамраб олади. Тасвир доираси 300 километрдан ошади. Бинобарин, Қорақалпоғистон жануби, Хоразм воҳаси ва Бухоро томонларга ҳам этиб боради. Уларнинг биохимия-хиллигига тажовуз қилиб, экинзорлар, ўлоқ-яйловлар, бот-роғлар ҳосилдорлигини пасайтиради. Хаваши ифлослантириб, жастаиларни авж олдириди. Қўқаси, денгизнинг баҳимли тез-тез актиб гул ташлаб турлидан саксий терисидек тобора жингитоблаш боғаватан қисми ўз хольна қолдирилми, она табият учун ҳам, бунгунда мунтазаман олти давлати яшаётган 50 миллионлик аҳоли учун ҳам бирдек баалоий аҳим ўчоғига айлангани тайин.

Ана шу боис мутасаддилар, аввало, қуриб-қақшанган ўзан тупроқини мустаҳкамлаш, туз ва кум қўқчаларини тўқаташ йўллари янги ахтарилар. Пирозардада бунинг учун саксувл, черкез, кол-гўли, қандим сингари бутасимон чўл усимликларидан фойдаланишга аҳд қилинлар. Сабоби аён: бу дархотлар иссиқ-совуққа ҳам, шўр ва сувсизликка ҳам ўта чидамли. Энг муҳими, николи қаддини сал тиклаб олса, бас, ҳар қандай ер ва муҳитга тез мослашиб кетади. Чўқур илдиз этиби, ери мустаҳкамлайди. Киспорид чиқариб, хаваши тозалайди. Бетакор қўриқини билан қўзи қувонтиради. Масалан, илтибаргли қандим ёз арафасида сап-сарки, юлдуз пушти ранг чиройли гул чиқариб, ёвқили ифтор таратади. Ёзи саксувлни олайлик. У саксон йилга яшайди. Томирлар ер қатъига қараб 5-6 метргача ўсади. Тўрт ўшида 3-5 килограммгача уруғ туғади. Улар пилиб тўйилган, шамолда ҳар томонга сочилиб, нам етарли вақтда бирин-бирин унинг чиқаради. Ана шу зайил ўз-ўзиндан янги-янги саксувлзорлар пайдо бўлиб, чор-атроф яшиллик бурқиб бораверади. Бу кум ва туз қўқчалари барҳам топиб, сакро ва чўллалар иклими мўтадиллашшига, ҳайвонот ва усимликлар дунёси бойлишига олиб келади. Чорвачиллик ривожига ҳам хизмат қилади. — дейди ОҚОК Иқрола қўқасининг Нўкус филиали директори Ўбидун Шайрбеков. — 2002 йили Қораўзақ тумани ўрмон ҳўжалигига 8 гектар сугорилдиган ер

бошланди. Унга иқарилганимиз сайин манзара ўзгарди. Яшил далалар енгилгина ёққан майда қорект туз қоплаган қумликлар, туронлик, жойда, терак ва қайтар, гочлар бир текис саф торган саксувлу юлгунлар билан алмашиди. Қўёш ҳали терак бўйи кўтаришмасдан, иссиқ забтига чиқди. Нафас қайтаргучи гармел кўзгалди, барханлар узра сароб жилваганиди. Машинами, гарчи газ қидирувчилар алпазиз, бадам қўён, жайрон, тулки чакқон кесиб ўтаётгани, мингйиллик чиганоклар оқ маржондек ятти-раб ётган ерларда тез-тез тўғиш, бузи, шокол, қорсақ излари, урғайтгани шундан далолат беради.

Қораўзақдан ropna-роса саксон километр юргач, мутлақо ўзгача манзарага рўбарў келдик. Аникрофи, қамиллару бошқа сув ўтлари барк урғайтган, қурбақалар қуриллаб, чигирталар тинимсиз чириллаётган, кирговул, тувалок ва булдурчуқлар йўрга-бўлган, қаслик, турғай, қалдун қолди, мотори зўриқди. Гоҳ сизот сувлари юзгага тегишсиздан ҳосил бўлган ботқоқликлар- жабди, йилдираги бир жойда чириллаб айланади. Димиккан қабина ойнасини қуок чанг қоптўради. Дераза тирқийшдан пашша ва сўнарлар астойиб қириб, юз-қўлимизни ёзиб баданимизни аёвсиз чақа бошлайди...

— Бу ерлар яқин-яқинларчада чўл чўл саналарди. — Хаёлимизни «Ўзгипроўрмонлоийҳа» давлат корхонасининг гуруҳ раҳбари Рамазон Қурбоннинг овози бўлди. — Энди эса инсон заковатно захмчати тўғрисида уларга жон қирди...

Дарово, сирдан қарасангиз, қатор орадаги ўн беш-йигирма қадамча келадиган саксувлзорларда сукунат ҳам сураётгандақ тўқлади. Аммо зямдан кузатсангиз, унда ҳаёт қайнаётганининг гўвоҳи бўласиз. Йўлимизни дам- тинимсиз чириллаётган, кирговул, тувалок ва булдурчуқлар йўрга-бўлган, қаслик, турғай, қалдун қолди, мотори зўриқди. Гоҳ сизот сувлари юзгага тегишсиздан ҳосил бўлган ботқоқликлар- жабди, йилдираги бир жойда чириллаб айланади. Димиккан қабина ойнасини қуок чанг қоптўради. Дераза тирқийшдан пашша ва сўнарлар астойиб қириб, юз-қўлимизни ёзиб баданимизни аёвсиз чақа бошлайди...

Солиқ тизимида интерактив хизмат

Бугун ҳаётимизни компьютер технологияси тасаввур этиш қийин. Зеро, эндиликда улар инсон турмуш тарзини, касбий фаолиятининг барча жабхаларини қамраб олмақда.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкилланган маъбутов ахборот тизими фаолиятини автоматлаштириш мақсидида жорий этилган дастурий махсуллар ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ идоралари билан муносабатларида интерактив хизмат турларидан фойдаланиш хусусида сўз борди.

Таъкидландики, мамлакатимизда «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳўжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинган. Ушбу қонунлар ижросини таъминлаш мақсидида Давлат солиқ қўмитаси томонидан 10 дан зиёд маърузий ҳўжат ва дастурлар ишлаб чиқилиб, улар

амалиётга таъбиқ этилди. Интерактив хизмат турлари шулар сирасига кирди. Мазкур хизмат солиқ идоралари ва солиқ тўловчилар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Жумладан, Давлат солиқ қўмитасининг Интернет дастурий махсуллар расмий веб-сайт орқали интерактив хизмат турларидан фойдаланаётган солиқ тўловчилар ортқиқа вақт, харажат сарфламасдан, мақсад-муддаосига эришмоқда.

Хозир мамлакатимизда солиқ тизимида бундай қўлай ва замонавий хизмат турларини жисмоний шахсларга ҳам жорий этиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Сандиқчи ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

нат сарфлашга ҳўжат қолмабди. Эвазига мўайиновна маблаг тежаллибди. Инчунин, тахрирнинг келгусида кенг қўламада қўллаш дастури шайлаштирилди.

Айни келарда эса туман марказидан ўз чамиримча йироқликдаги массивни тўқайзорлаштириш ишлари қизган тўли олган. Ҳолбуки, 40-45 йилга бурун бу ерларда сувнинг чўқурилиши ўн икки-ўн беш қўлгага теб бўлган. Кейинчалик савёлашми, сатҳи Ермажатов, Тўйлоқжонан сингари бир-бирига уйкаш талай оролларга бўлиниб кетган. Ақлетке архипелаги деб аталган. Бора-бора кўп-кўзил саргога айланган. Шунданми, хаваши кескин бўлди. Қиш 30-35 даража фарқланувчан. Қиш 30-35 даража совуқ, ёзи 50-55 даража иссиқ. Йиллик ёғингарчилик микдори 100 миллиметрдан ошмайди. Ҳаммасидан шамолги ёмон. У шамол-шарқдан жануби-ғарбга, яъни денгиз қарийдан Қораўзақ, Чимбой туманлари тарафга эсади. Айниқса, баҳор ва кузда рожа ва куради. Тезлиги секундида 15-18 метрга етади. Усмиликларни пайхон қилиб, ери қотириб юборади. Чанг-тўзани кўз очирмайди.

Абдуноби ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАДАНИЯТ

хабарлари

Истеъдодлилар сараланди

Самарқанд шаҳридаги вилоят мусиқа ва драма театрида «Нихол — 2008» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг шахар ва туман босқичларидан муваффақиятли ўтган 90 нафардан ортиқ ёш истеъдод соҳиблари ўзаро куч сынашди.

Иштирокчилар мумтоз кўшиқ, эстрада, опера, ракс, мусиқа ихрочилиги бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Тадбир якунига кўра, 5 та йўналиш бўйича голиб чиққан 12 нафар иштирокчи мусобақанинг республика босқичида вилоят шарафини химоя қиладиган бўлдилар.



А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Нихол — 2008» кўшиқ-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи якунида. Унда шахар ва туманлардан 50 нафар истеъдодли йилгит-қиз санъатининг эстрада, ракс, мусиқа, мумтоз ашула ва опера ихрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этишди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танлов иқтидорли ёшларни аниқлаб, ҳар томонлама рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам нуфузли танловга ёшларнинг қизиқиши йилдан-йилга ошаётди. Ёшлар йилида танловнинг туман ва шахар босқичларида 400 га яқин йилгит-қиз иштирок этди. Қизгин ўтган вилоят босқичида 16 нафар ёш истеъдод соҳибига белгиланган йўналишларда юқори ўринга муносиб топилди.

— Биз, ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан жуда мамнунмиз, — дейди қўшқўргонлик раққоса Дилноза Шерданова. — Ўз иқтидоримиз ва салоҳиятимизни намойиш этишимиз учун яратилаётган имкониятлар бизни янада кўпроқ изланишга даъват этаётди. «Ойбулок» рақсини ижро этдим ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдим.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

«Марғилон йўлларида»

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидagi Фарғона вилояти мусиқа ва драма ва комедия театрида «Марғилон йўлларида» деб номланган сатира асари намойиши давом этмоқда.

Фарғоналик драматурглар Сайдали Одиллов ва Иномжон Турсунов қаламига мансуб мазкур асар Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳиб Муҳаммадсоли Юсуфов томонидан сценалаштирилган. Санъат иш-

кибозлари асар давомида Юсуфжон қизидан ташқари Сулаймон қори, Оқунож қизиқ, Усмон қизиқлар ижоди, инақузиди хангомаларига ошно бўладилар.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Билмишга омад ёр

Наманган давлат университети қошидаги академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси Бобур Обидов Россия олий ўқув юртидан бирининг талабаси бўлди.

Гап шундаки, яқинда у пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро олимпиадада иштирок этиб Россия тарихи, географияси ва адабиёти соҳаси билимдони эканини исботлади ва Россиянинг ирилган олий ўқув юртида ўқиш имтиёзини кўлга киритди. Айни кунларда у яна бир нуфузли анжуман — Москва шаҳрида рус тили фанидан бўлиб ўтадиган 12-халқаро олимпиадада 7 нафар тенгдоши билан Ўзбекистон шарафини химоя қилишга отланмоқда. Омад ёр бўлсин, Бобур!

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

МАҲАЛЛАНИНГ ЧИНИҚҚАН ЁШЛАРИ

Мамлакатимизда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Зеро, 2002 йилда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамлакатда оммавий спортни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.



Ушбу жамғарманинг асосий вазифаларидан бири сифатида болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор ривожлантиришга қўмаклашиш кўрсатиб ўтилган. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003-2007 йилларда мамлакатимизда 711 та болалар спорт мажмуалари бунёд этилди. Шундан 583 таси қишлоқ жойларда қурилган аҳамиятлидир. Бунёдкорлик ишларига жамғарма томонидан 85,4 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, жойларда ҳимойлар маблағи ҳисобидан ҳам спорт мажмуалари қурилмоқдаки, бугунги кунда уларда ҳам минглаб болажонларимиз ўзлари қизиққан спорт турлари бўйича машғулотларда қатнашмоқдалар.

Учтепа тумани «Журжоний» маҳалласидаги «Журжоний» спорт-соғломлаштириш мажмуаси бундан икки йил

муқаддам ҳимойлар маблағи ҳисобига қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ушбу мажмуа қисқа вақт ичида жажжи спортчиларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди. Ҳозирда бу ерда «Журжоний», «Бешқайрағоч», «Уриқзор», «Фуркат», «Пахтакор» ва бошқа кўлаб маҳаллаларнинг юзлаб ёшлари спортнинг футбол, баскетбол, бадий гимнастика, Турон аккураши, таэквондо, бокс, ушу, кикбоксинг сингари ўнга яқин турлари бўйича ташкил этилган тўғрақлардаги машғулотларда ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Шунингдек, яқиндан бошлаб «Кувнок стартлар» республика мусобақасини ҳам мазкур спорт мажмуасида ўтказиш йўлга қўйилди.

— Чиниқниши ният қилган барча ёшлар учун эшигимиз очик, — дейди «Журжоний» спорт-соғломлаштириш мажмуаси раҳбари Иброҳим Шукуров.

— Мажмуа атрофида жойлашган 12 та умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳам буш вақтларида биздаги тўғрақларда қатнашмоқдалар. Ёпиқ спорт зали, за-



монавий стадионда болажонлар ўзлари истаган спорт турлари билан шуғуллианишлари учун барча имкониятлар яратилган. Бизни қувонтирган томони, бу ердаги тўғрақларда маҳоратларини оширган ёшлар орасидан номдор спортчилар ҳам етишиб чиқмоқда. Жумладан, Камола Набиева яқинда Қозоғистонда бадий гимнастика бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда учинчи ўринни эгаллади. Утган йили «Журжоний» маҳалласи ёшлари 9-10 ёшли бо-

лалар ўртасидаги «Футболимиз келажиги» турнирининг Тошкент шахар босқичида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Олим Абзалов Турон яккураши бўйича турнирда совриндор бўлди. Саққиз нафар ёш босқичимиз шахар биринчилигида муваффақиятли иштирок этишди.

Зиёдулла ЖУНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Темур ҚУРБОНБОВЕВ олган суратлар.

Эрон пойтахти Техрон шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан эркаклар ўртасида ўтказилаётган «Фьючерс» халқаро турнирида ўзбекистонлик ракетка ustalари ҳам муваффақиятли қатнашмоқда.

ҲАМИЮРЛАРИМИЗ ИККИНЧИ БОСҚИЧДА

Умидли ёш теннисчимиз Рифат Биктяков мусобақанинг биринчи босқичида россиялик Алексей Филенковни 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Дастлабки беллашувда мезбонлар вакили Муртазо Жамшидий билан куч синашган тажрибали ракетка устаси Мурод Иноатов эса рақибдан ҳар томонлама устунлигини исботлаб, бахрни 6:0, 6:1 ҳисобида ўз фойдасига хал қилди.

«Фьючерс» турнири голиб ва совриндорлари 22 июнь кuni ўтказиладиган финал учрашувда аниқланади.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Навоийлик спорт устаси Темур Эргашев Алматы шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган мамлакат очик чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, Пекинда бўладиган XXII ёш Олимпиада уйинларини йўлланмасини кўлга киритди.

Темур Пекинга боради

Бундан олдинроқ навоийлик спортчилардан сузиш бўйича Ирина Шлемова, Пётр Ромашкин ва Иброҳим Назаровлар йўлланма соҳиб бўлишган эди.

Шундай қилиб, Навоий шаҳридаги «Олтин сув» сузиш

марказининг Пекин Олимпиадасида юртимиз шарафини химоя қиладиган спортчилари сони тўрттага етди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Успех-дело техники!

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS

Успех

Серверы и компьютеры для решения любых задач

Производительность

Сделано в Германии

Гарантия 3 года

Адрес: ул. Лисюнова, 2. Тел. (+99871) 294-60-60. E-mail: sales@nuron.uz

www.nuron.uz www.fujitsu-siemens.ru

ЯНГИЛИКЛАР / ТРАНСАЭРО

Тошкент ва Бухоридан Москва орқали қунидаги шаҳарларга мунтазам равишда амалга ошириладиган янги рейсларни тақдиф этади:

АНАПА
бир томонга 316 евро ва ундан юқори

СОЧИ
бир томонга 288 евро ва ундан юқори

СИМФЕРОПОЛЬ
бир томонга 270 евро ва ундан юқори

Тарифлар иқтисодий-мукофотли класс учун кўрсатишган, жойлар чегараланган.

Телефонлар: 233-99-35, 233-76-38, 383-44-25.
www.transaero.ru

ISO 9001-2000

67% гача

ЛИМИТЛАР КЎПАЙДИ ВА НАРХЛАР АРЗОНЛАШДИ!

| таъхир режими | миқдор тупони | имтиёзли дақиқалар лимити (оғна) | лимитдан ташқари етгани кунгарақлари | | лимитдан ташқари чилиш кунгарақлари | |
|---------------|---------------|----------------------------------|--------------------------------------|--------------|-------------------------------------|--------------|
| | | | Ўзбекистон бўйича | тармоқ ичида | Ўзбекистон бўйича | тармоқ ичида |
| Базовий | 8,99 / ойига | 400 | 0,04 | 0,02 | 0,04 | |
| Статус | 18 / ойига | 800 | 0,03 | | 0,03 | |
| Удачний | 25 / ойига | 1500 | | 0,01 | | 0 |
| Регион | 35 / ойига | 2500 | 0,02 | | 0,02 | |

«МЕХРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2008 йилнинг III чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

САРИЁҒ, I-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ҒЎШТИ

Тендер тақдифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кuni соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, А. Икромов к., 27-уй.
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер тақдифларини қабул қилишининг сўнги муддати — 2008 йил 27 июнь кuni соат 17.00 гача.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Ахборот» информациион дастурлар бош муҳарририяти продюсери Қодир Сулаймоновга падали бузруквори

УБАЙДУЛЛА отанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Темур йўл муҳандислари институти жамоаси бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудир, профессор Тозабек Тошмуродовга падали бузруквори

Тошмурод отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 35900 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияли ҳамда операторлар Жамшед Тоғиев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Санево.
Мусахҳах — М. Ёкубова.

«Шарқ» наشريят-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили:
«Буок Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6 7